



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (11.914)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар

**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**

ҲАР БИР ФАРЗАНД — МЕҲР, ЭЪТИБОРДА

Болаларга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатиш, пухта билим бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, ёш авлодни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида камол топтириш мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг пировард мақсадини ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, манзилли дастурлар ижтимоий-тиббий ҳолати, миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, баркамол инсонлар сифатида воғна етишида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда. Юсак маънавиятли, соғлом ва теран тафаккурли авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларда турли вазирлик ва идоралар билан бирга «Sen Yolg'iz Emassan» Республикаси

лика жамоатчилик болалар жамғармаси, Болалар ижтимоий мослашуви маркази, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси каби жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Мазкур ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, маърифий анжуманлар юртимизда ёшлар камолоти, аиниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, билим олиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашига хизмат қилмоқда. Бу ҳижатлар 26 майдан 2 июнга қадар давом этадиган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталигида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга эътиборни янада кучайтириш, ижтимоий, маънавий-маърифий кўмак бериш, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юртимизда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» ҳафталиги бошланди.

интернатлардаги ижтимоий-педагогик хизматни такомиллаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этиладиган мазкур ҳафталик тадбирлари ранг-баранг. Маҳаллалар, Меҳрибонлик уйларида олимлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, маънавий тарғибotchилари иштирокида ўтказиладиган бола ҳуқуқларининг ҳимоясига оид анжуманлар, давра суҳбатлари, маданият ва истироҳат боғлари, сўлим гушаларга саёҳатлар, сайиллар, кўрғазмалар, концертлар, ижодий фестиваллар, спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Ҳафталикнинг дастлабки тадбири «Sen Yolg'iz Emassan» Республикаси жамоатчилик болалар жамғармасининг ўқув марказида бўлиб ўтди. Унга 2010-2011 ўқув йили давомида мазкур марказдаги бадиий ижодиёт ва ўқув фанлари тўғрисидаги таъминланган икки юз нафарга яқин ўғил-қиз, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож, кўп болали оилаларнинг фарзандлари тақриф этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН УЛУҒ АЙЁМ ТАРАДДУДИДА

Мамлакатимизда Энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жойларда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» эзгу ғоясини ўзда мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётди.

Шу кунларда юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳ ва меҳмонлар ҳам бу жараёнга гувоҳ бўлиб, халқимизнинг дунёда ҳеч қандам кам бўлмаган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бermoқда.

Бессет СЕЛИНЕ хоним (Франция):
— Самарқанд оҳанрабоиси билан минглаб сайёҳларни ўз бағрига чорлайди. Мен ҳам гўёки кўҳна Шарқнинг севриги эртақлар оламига тушиб қолгандекман. Бир-бирдан гўзал тарихий обидаларни кўриб ҳайратдан лол қолади киши. Самарқанд нафақат кўҳна ёдғорликлари, балки замонавий ишонотлари билан ҳам менга манзур бўлди. Бу ерда, айниқса, мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Барча жойда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрамига қизгин ҳозирлик кўриляётган экан. Одамлар юз-кўзидаги қувонч, самимийлик эса уларнинг ҳаётдан мамнунликлари, эртанги кунга ишончлари мустаҳкамлигини кўрсатиб турибди.

Сабеау ЛАУРЕНТ (Бельгия):
— Банк соҳасида ишлаганим учун юртингизга келишдан олдин Ўзбекистоннинг банк тизими билан қизиқиб танишдим. Шунга амин бўлдимки, тизимнинг мустаҳкам қонунчилик асоси яратилган бўлиб, у халқаро андозалар даражасига мос келар экан. Айниқса, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва кичик бизнесни ривожлантиришда банкларнинг ўрни катта эканига ишонч ҳосил қилдим. Юртингиздаги бир қатор банкларнинг халқаро танловлар голиби бўлиши ҳам соҳада ишларнинг тўғри йўлга қўйилгани самараси, деб ўйлайман.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида Ўзбекистонда ипотека кредити асосида қишлоқ аҳолиси учун замонавий турар жойлар бунёд этишга киришилгани ҳам, аввало, мамлакат иқтисодий мустаҳкамлиги ва банклар фаолиятининг барқарорлигидан далолатдир.

Гюнтер ДИЕЛ (Германия):
— Саёҳат қилиш учун Ўзбекистонни танлаганимдан мамнунман. Бу ернинг мусаффо ҳавоси, гўзал табиатининг ўзи кишига руҳий енгиллик, куч-қувват бағишлайди. Самарқанддаги тарихий обидалар билан бирга, замонавий турар жойлар, меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш масканлари, боғ ва хиёбонлари ҳам томоша қилдик. Бу ер бизда тарихий мерос улугланаётган замонавий шаҳар сифатида катта таассурот қолдирди.

Серқуёш юртингизда ҳозир турли мева ва сабзавотлар пишган вақт экан. Уларнинг таъми оғзимизда қолди. Бозорлар тўкин-сочин, дастурхонлар ноз-неъматга тўла. Халқингизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ўза мухбири
Ғолиб ҲАСАНОВ
ёзиб олди.

ИШОНЧ ЁРЛИФИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Австралидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Сингапур Республикасида) Алишер Қурмонов Австралия Генерал-губернатори Квентин Брайсга ишонч ёрлигини топширди.

Ишонч ёрлигини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Австралия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар муҳофаза қилинди.

Австралия Генерал-губернатори Ўзбекистон раҳбариятининг Ўзбекистоннинг Австралидаги илк элчисини тайинлаш тўғрисидаги қароридан мамнуният ихроқ қилди. Бу — икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарихий воқеадир.

К.Брайс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда фаоллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Генерал-губернаторнинг сўзларига кўра, расмий Канберра Ўзбекистон каби жадал ривожланаётган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қарайди.

Австралия раҳбари Ўзбекистон Республикаси билан Австралия ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

ҚИСКА САТРЛАРДА

✓ **ДАВЛАТ** божхона кўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ноқонуний олиб чиқишига қарши чора-тадбирлар» мавзусида ОАВ учун матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар қасабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги олиқ ўқув юртларининг аълочи ва жамоатчи талабаларидан бир гуруҳига «Кенгаш стипендианти» гувоҳномаси топширилди.

✓ **САВДО**-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасида тадбиркорлик фаолияти учун янада кўлай муҳит яратиш мақсадида бугун «Тадбиркорлар куни» («Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинди.

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги «Зи-лола» маҳалласида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Истиқлол гўнаҳлари» шиори остида иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида етти нафар ўғил-қизлар туман ҳокимлиги томонидан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Санкт-Петербургда шаҳар куни байрами кенг нишонланди.
• Кеча Сербия махсус хизмат ходимлари томонидан Босния сербларига 1992-96 йилларда етакчилик қилган генерал Радко Младич қўлга олинди. 15 йил давом этган қидирувдан сўнг ушланган Р.Младич 15 та пункт, жумладан геноцид бўйича айбланмоқда. Собиқ генералнинг иши Гаагадаги ҳарбий суд томонидан кўриб чиқилади.
• Кеча Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 32 киши ҳалок бўлди, кўплаб одамлар яраланди, бир нечта бино вайрон бўлди. Ушбу хунрезликни амалга оширганликни «Толибон» экстремистик гуруҳи ўз бўйнига олди.
• Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида инвесторлар томонидан барқарор бўлмаган валюталар ва компанияларнинг жиддий ўзгаришларга ўз таътидан акцияларига нисбатан ишончли муқобил восита сифатида қабул қилинаётган олтиннинг нархи 1,3 фоизга ошди. Таъкидлаш жоизки, йилнинг ушбу чораги олтин нархи ошиб бораётган қаторасига ўнинчи чорак бўлди.
• Европа Тикланиш ва тараққиёт банки жорий йилда Европа ва Марказий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийнинг ўсиш прогнозини 4,2 фоиздан 4,6 фоизгача баҳолади. Айни чоғда мазкур муассаса экспертларининг оғохлантиришича, еврохудуддаги қарздорлик билан боғлиқ инқироз ва хом ашё нархининг кўтарилиши ушбу кўрсаткичга салбий таъсир этиши мумкин.
• Франциялик мутахассислар Атлантика океани тубида, тахминан тўрт минг метр чуқурликда 2009 йилнинг июнь ойида ҳалокатга учраган «Air France» авиакомпаниясига тегишли А-330 самолётининг «қора қути»ларидан бирини топишди. Ушбу лайнер Атлантика океанига кулаб тушган ва унинг бортида бўлган 228 кишининг барчаси ҳаётдан кўз юмганди. Мутахассислар «қора қути»даги ёзувлар ҳалокат сабаблари билан боғлиқ кўпгина саволларига жавоб беришига умид қилишмоқда.

Ўзбекистонда ҳаёт боғининг гуллари

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги мақомини тобора юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий-иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланган. Шуниси қувонарлики, мамлакатимизда тadbиркор ва ишбилармон аёллар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. 2011 йилнинг — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили деб эълон қилинганлиги тadbиркор аёллар фаолиятини янада жонлантирди.



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили

ҚўЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...

Дарҳақиқат, қай бир соҳага назар ташламанг, ўзбек аёлларининг меҳнат-севарлиги, жонқурлиги, ташаббускорлиги, оилапарварлиги, шижоатию матонатини қўриб ҳайратланасиз. Тadbиркор, ишбилармон, уздабурон аёлларнинг қўлга киритаётган ютуқларини эшитиб, таҳсинлар айтасиз. Ана шундай ишбилармон, тadbиркор аёллардан бири, ўз олдига эзгу мақсадларни қўйиб, «Ифатли келин» ўқув марказини ташкил қилган Солиҳа Юсупованинг номини бугунги кунда нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг кўпгина вилоятларида яхши билишадди.

Ҳар бир ота-она ўғил-қизларини билимли, ҳунарли, ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашни орзу қилади. Айниқса, қизларни турмушга тайёрлаш мақсадида турли хунарларни ўргатишга ҳаракат қиладилар. Чунки қизлар бўлгуси она, келгусида янги бир оиланинг бекаси бўлади. Пазанда, тикувчи, саранжом-сарийша қизлар барчанинг олқишини олиб, бахтли оила бекасига айланади. Мазкур марказ бугунги кунда мана шу эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда ақиндан кўмак бериб, ўсмир қизларга турли хил хунарларни ўргатиб, уларнинг раҳмату олқишига сазовор бўлмоқда. Яқинда

ўқув маркази фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида у ерга ташриф бурдик. Ўқув хоналари қизлар билан гавжум. Шу кун битирувчи қизларга дипломлар топшириш маросими ўтказилаётган экан. Хунар сирларини ўрганиб, қўлга диплом олган қизларнинг кувончи чексиз эди.

— Мен ушбу ўқув марказида уч ойлик тикиш-бичиш курсида ўқиб, тикиш сирларини яхши ўргандим. Бугун ўқув курсини тамомлаб, қўлимга диплом олдим. Устозимиз Сабиха Солиҳовадан пухта сабоқ олдим, шу билан бирга муомала, одоб-ахлоқ маданиятини ўргандим. Устозимиз дарсларни қизиқарли оlib борадилар. Улардан миннатдорман. Тикишни жуда яхши кўраман. Ўзимга, оила аъзоларимга қўйлақ, кофтлар тикдим. Энди қандалатчилик курсига келиб, пазандачилик сирларини ҳам ўрганиш ниятидаман, — деди Озода Авазова.

— Халқимизда «Хунарнинг қўли гул», «Хунарли хор бўлмас» деган мақоллар бежиз айтилмаган. Хунарли қизлар келгусида турмушда қийнамайдилар, ота-она, қайнона-қайноталарининг дуосини оладилар. Ўқув маркази ташкил топганига бу йил ўн йил тўлади. Шу ўн йил ичида минглаб қизлар хунар эгаси бўлиб етишди. Маз-

кур ўқув марказини ташкил этишдан мақсад, ўсмир қизларни турмушга, оилага тайёрлаш, хунар билан бирга, уларга муомала, кийиниш маданиятини ўргатиш, одоб-ахлоқдан сабоқ беришдан иборат. Шу боис дарс жараёнида тарбиявий соатлар ўтказиб турилади, — дейди биз билан суҳбатда «Ифатли келин» ўқув маркази раҳбари Солиҳа Юсупова. — Марказда бугунги кунда 20 дан ортиқ турли хил ойлик ўқув курслари фаолият юритмоқда. Тикиш-бичиш, бисёр тикиш, парда курси, тўй либослари, каштачилик, тўқиш, компьютер сабоқлари, инглиз тили, қандалатчилик, соч турмаклаш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш курслари, «Еш оналар мактаби» ва бошқалар шулар жумласидан. Ушбу ўқув курсларида олий маълумотли 20 га яқин тажрибали ўқитувчилар қизларга хунар сирларини ўргатишмоқдалар. Дилором Абдуллаева, Юлдуз Хошимова, Ирода Абдусатторова, Сабиха Солиҳова, Шоиста Собитова, Зарифа Саидалиева, Малоҳат Нурматова сингари малакали, жонқуяр ўқитувчиларимиздан ота-оналар жуда ҳам миннатдор. Маълумки, ўқув марказимизнинг бугунги кунда республикамиз вилоятларида — Андижон, Фарғона, Наманган, Кўкон, Қува, Сурхондарё, Жиззах, Каттақўрғ-

онда филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Яқингинада Нукусда ҳам янги филиал иш бошлади. Шунингдек, Юнусобод даҳасида ҳам талабларга кўра филиал очилди. Қувонарлиси, ўқув курсида хунар ўрганишни хоҳловчи қизлар сони йил сайин ортомоқда. Шу билан бирга, хорихлик аёлларнинг ҳам бу борада қизиқиши кучайиб бораёпти. Ҳозирда курсларимизда Туркия, Ҳиндистон, малайзиялик қизлар ҳам хунар ўрганишмоқда.

Мақсадимиз келгусида ўқув биносини яхшилаш, иш ўринларини, ўқув йўналишларини янада кенгайтириш, дастурларни кучайтириш, хориж билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Этиборлиси, марказда хайрли ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, кам таъминланган оила фарзандлари ўқишга имтиёзли қабул қилинади. Ўқув маркази ҳар йили пойтахтимизда ўтказилаётган «Таълим ва мухтаassisлик» номли кўрғазмада иштирок этиб, диплом ва сертификатга сазовор бўлиб келмоқда.

Эзгу ишларни дилига жо айлаган, минглаб доно ва лобар қизларга хунар ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш, бахтли оила бекаси деган номга мушарраф қилишдек савоб ишга бош бўлаётган ишбилармон, тadbиркор Солиҳа Юсупованинг келгуси ишларига яна ҳам улкан омад ва ютуқлар тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: «Ифатли келин» ўқув маркази фаолиятдан даврга

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТЛАРИ

Истиқлол йилларида юртимизда қўлга киритилган ютуқлар, мамлакатимиз салоҳияти ва қудрати, халқаро майдондаги нуфузи, инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ очиб бериш Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигида бағишлаб ўтказилаётган тadbирларнинг муҳим йўналишларидандир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир. Мазкур қарор асосида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилаётган «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» ҳуқуқий саводхонлик ойлигида халқимиз эришган буюк марралар замирида, аввало, инсон омилига бўлган юксак эътибор муҳим алоҳида таъкидланмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг мустақиллик берган ҳуқуқий кафолатлари» мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда гап борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И.Саифназаров, Тошкент Давлат юридик институти ректори М. Рустамбоев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг конституция ва қонунларимизда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминла-наётганини таъкидлади.

Истиқлолнинг йигирма йили давомида жамият ҳаётининг уйғун ривожини таъминлаш ва ижтимоий муносабатлар мувозанатига эришиш, асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган амалий ишлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, маънавий дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу эса жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида депутатлар, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири

Назм гуллари

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚАСИДА

Сен Момо Ҳаводан мерос меҳрсан,
Абадий мўъжиза, мангу сеҳрсан.
Фариштансан, малак, парисан, хурсан,
Юзлари қуёшу қошлари ҳилол —
Аёл, аёл, аёл!

Бешик қучоқлаган бедор ҳам ўзинг,
Бибиҳоним ўзинг, меймор ҳам ўзинг.

Қарор ва ижро

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК— ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Халқимиз аёлларни қадимдан эъзозлаб, ардоқлаб келади. Шунингдек, «Гул ўсса— ерининг кўрки, қиз ўсса— элнинг кўрки» дейдилар. Ушбу мақол қизларнинг нафосатига қиёс қилиниши билангина эмас, миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга боғлиқлиги билан пурҳикматдир. Шу боис ҳам қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинади.

Маълумки, она, аёл оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитини белгиловчи мўътабар инсон сифатида таърифланади. Унинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиши— авлодлар порлоқ келажаги пойдеворидир. Шунинг учун ҳам бу борада ҳуқуқимиз томонидан муҳим қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга исчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини му-стаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодчи вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ҳам шу эзгу мақсадга қаратилган. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш бўйича Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовор. Айтиш жоизки, тумандаги 81256 нафар туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги ҳудудий тиббиёт бирлаш-маси билан ҳамкорликда белги-ланган режа асосида доимий на-зоратда бўлиб, репродуктив са-ломатлигига алоҳида эътибор бе-риб келинмоқда.

Шу мақсадда туман хотин-қизлар қўмитаси ва махсус жа-моатчилик кенгаши томонидан жойларда етарли даражада та-риб-бот-тавиқот ишлари олиб боришмоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кун «Репродуктив саломатлик куни» деб эълон қилиниб, мавжуд 49 та маҳал-лада айнан шу кун мавзуга оид давра суҳбатлари, семинарлар ва тиббиёт ходимлари билан учрашувлар ўтказилаёпти. Унда фарзандлар туғилиши оралиги-даги муддатга риоя қилиш, ис-талмаган хомилдорликнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан мутахассислар ке-ракли маслаҳатлар, тавсиялар беришмоқда. Бу каби тadbир-ларга жорий йил бирин-чи чорагида 18500 нафардан зиёд хотин-қизлар жалб қилинган. Йил бошидан бери туманда туғиш ёшидаги аёл-ларнинг 41576 нафари тиб-бий кўриқдан ўтказилди. Тур-ли касалликлар аниқланган аёлларга талаб-баражада та-бийий хизмат кўрсатилиб, саломатликлари тикланди.

Репродуктив саломатлиқни му-стаҳкамлаш, соғлом турмуш

Мохларойим, Қутлуғнигор ҳам ўзинг,
Муҳаббатга тимсол, Ватанга тимсол —
Аёл, аёл, аёл!

Онасан, сингилсан, ёрсан вафодор,
Изиндан эргашиб юради баҳор.
Сен бор — нафосат бор,
сен бор — ҳаёт бор,
Сен ойдин орзусан, сен — эзгу аёл —
Аёл, аёл, аёл!

Мунисим, шафқатинг,
Химматинг буюк,
Оқ сунинг оклаган дилбандинг буюк.
Сени улуғлаган фарзандинг буюк,
Бошингда саодат, пойингда иқбол —
Аёл, аёл, аёл!

Оила инсонни барча нохушлиқлардан, иссиқ-совуқдан, бало-қазолардан асровчи гўша, киши ўзини эркин ҳис қиладиган муборак бир қалъадир. Бу қалъанинг султони ота бўлса, унинг маслаҳатгўйи, донишманд вазирини — онадир.

Она — оилага соябон, оила аъзо-лари, фарзандлар тақдирини ва ке-лажаги учун масъул шахс. Инсон-нинг умр йўли ҳамма вақт равон, текис бўлавермайди, баъзан ба-лансид-наст ва ўнқир-чўнқирларни босиб ўтишга тўғри келади.

Кўп жиҳатдан оиланинг баркамол-лиги аёлнинг ақл-идроки, фаҳм-фаросатига, укуви, билимдонлиги-га боғлиқ. Оиланинг обрўси, шаъ-ни-шухрати, бахту қамоли учун кўпроқ аёл масъул. Эракни уйда ушлаб турадиган ҳам аслида аёл-дир. Уч нарса умрни узайтиради дейдилар: «Кенг уй, яхши улов, меҳ-рибон хотин».

Яхши хотин эри бир нарса кўта-риб келганда, «шуни ҳам матоҳ деб олдингизми, жуда қиммат экан, сав-доллашишни ҳам эллай олмайсиз,

лари ёки дўст-биродорлари келса, очиқ юз билан қарши олади, қоғоқ-димогоини солмайди, дастурхон ёзиб, борини ўртага қўяди.

Оила — ҳаётнинг боши. Оила — тинч-тотув, бахтли-саодатли, иззат-ҳурматда ширин турмуш кечириш мумкин бўлган маскан. Оилавий бахтнинг қадрига ета билиш, уни қўлдан бой бермаслик, кўз қорачи-гидек асраш учун курашиш керак. Оила жилови эса кўпроқ хотин ки-шининг қўлида бўлади. Яхши хотин озиқ-овқат маҳсулотларини нес-но-буд қилмай, тежаб-тергаб ўз ўрни-да ишлатади, «қандай қилсам уйим-уй, жойим жой бўларкан» деб ўйлайди. Шунда уй-ўзғорда бара-ка бўлади, уруш-жанжал чиймайди, эр-хотиннинг бир-биридан кўнгли қолмайди. Эр-хотиннинг бир-бири-

ҲАЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

шунинг ўрнига икки кило гўшт кўта-риб келмайсизми» каби сўзлар би-лан уни ерга урмайди. Бунинг ўрни-га «Барака топинг, жуда яхши қилибсиз, уйга керакли нарсани билиб олибсиз-да» дея жуфти ҳалолини мақтаб қўяди.

Халқимизда «Эри эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган ибора бор. Шунинг учун одобли, тарбияли хотин эри-нинг топганини юзага чиқаради, ис-рофга йўл қўймайди, қаноатли бўла-ди, эрининг иззат-ҳурматини жойи-га қўяди. Бундан ташқари болалар-нинг тарбиясига эътибор беради, ким билан ўртоқ экани, қандай ўйинлар уйнашни назардан қочир-майди. Эрининг маслаҳатсиз бир-роғ ишга қўрмайди. Бўлмагур нарсаларни баҳона қилиб, ҳадеб эри билан жанжаллашмайди, гавго кўтармайди.

Эри ноҳўя иш қилиб қўйган бўлса, аёл мулойимлик билан ту-шунтириб, уни шу ишдан қайтара-ди. Эрига доим меҳр-оқибатда ва садақатда бўлади. Унинг ота-она-си, яқинларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Эрининг қариндош-уруғ-

ни ҳурматлаш, оғирини энгил қилиш ва кўнглини топишга инти-лиши ўзaro қадр-қимматини ошира-ди. «Яхши хотин оиланинг тинчли-ги, уйнинг ободлиги ва яхшилиқ қилишга қўмақчидир». «Тотув тур-муш — узоқ умр» деган гапда ҳам чуқур маъно бор. Тинчлик-хотир-жамлик, осудалик-тозаллик, саран-жом-саришталик булар барчаси узоқ умр гаровидир.

Ақли, озода, покиза аёлнинг суҳ-бати ҳам ширин бўлиб, кўнглига роҳ-ат бахш этади. Ширин сўз, хуш-муомалалик кишининг ўзини ҳам, у билан муомалада бўлганларнинг ҳам кайфиятини кўтариб, руҳини эн-гилаштиради. Асабийлашиб тур-ган кишига бир оғиз ширин сўз ай-тсангиз, бир зумда чеҳраси очилиб хушуд бўлади, қолади.

М. Монтен «Ҳаётнинг ўлчови умр узунлигидан эмас, сиз ундан қандай фойдалана олишингиздандир» деган эди. Оқила аёл ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан ўзи оиласи учун унумли фойдалана олади. Умр азиз, уни пок сақлаш ҳар бир инсоннинг, шу жум-ладан ҳар бир аёлнинг бурчидир.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилув-чи ва лицензия берувчи органлар томонидан тadbиркорлик субъектларига рухсатномадан бериш, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқа-ли расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов микдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз, тadbиркорлар, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Тош-кент шаҳар прокуратураси ва туман прокурату-раларининг куйидаги «Ишонч телефони» ра-қамларига ёки «007» қисқа рақамига кўнги-роқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
		007
1	Тошкент шаҳар прокуратураси	271-12-26, 277-10-11
2	Бектемир туман прокуратураси	295-02-81
3	Миробод туман прокуратураси	215-66-56
4	Мирзо Улуғбек туман прокуратураси	267-68-38
5	Олмасор туман прокуратураси	248-84-14
6	Сергели туман прокуратураси	258-67-10
7	Учтепа туман прокуратураси	271-52-00
8	Ҳамза туман прокуратураси	289-58-20
9	Чилонзор туман прокуратураси	277-91-62
10	Шайхонтоҳур туман прокуратураси	249-61-01
11	Юнусобод туман прокуратураси	235-25-36
12	Яккасарой туман прокуратураси	250-03-94

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз-нинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъ-минланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

Пойтахтимиздаги жисмоний имконияти чекланган болалар мактаб-интернатларида энгил атлетика, волейбол, мини-футбол ва стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақалар жисмоний имконияти чекланган болаларнинг спорт билан шуғулланишига кўмаклашиш ва соғлом турмуш тарзига жалб этиш мақсадида ўтказилди.

кўплаб турлари бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақалар ҳамда таниқли спортчилар иштирокидаги мастер-класс машғулотлари доимий равишда ташкил этилаётди.

Пойтахтимизнинг Хамза туманидаги кўзи оғир болалар мактаб-интернатига энгил атлетика бўйича ўтказилган му-

лиев ана шундай иқтидорли ёшлардан. У 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Парасиё ўйинларида бронза медални қўлга киритди. Жорий йилнинг апрель ойида Туркияда кўзи оғир ва заиф кўрувчилар ўртасида ўтказилган IV Бутунжаҳон ўйинларининг энгил атлетика баҳсларида муносиб иштирок этиб, 2012 йили Лондонда бўладиган XIV Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

— Мактабимизда ўқувчиларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш мақсадида спорт мусобақалари доимий равишда ўтказилади, — дейди Д.Салиев. — Бундай мусобақалар бизнинг спортга бўлган қизиқишимизни

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

янада оширади, олдимизга кўйган эзгу мақсадларимизга эришишимизда куч-ғайрат бағишлайди.

Энгил атлетика бўйича мусобақанинг турли масофага югуриш баҳсларида Дониёр Салиев, Зулфия Турсунқулова, Бахтиёр Дадаев, Ортоқ Шерматов, Миробид Миртоҳиров ва Чинора Эргашева гўлиб деб топилди.

Узунликка сакраш баҳсларида Бахтиёр Бозорқулов, Сабина Топшўлатова, Азим Қосимов, Махлиё Миродиллаева, Камол Камолов ва Рўзигул Аморованинг қайд этган натижалари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Мусобақа иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Олмазор туманидаги 100-Республика махсус мактаб-интернатига волейбол бўйича, 106-махсус мактаб-интернатига мини-футбол ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Ўза мухбири

Мусобақалар

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Кейинги йилларда ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши йўлида кўп саноат ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни аҳоли ўртасида оммавийлаштириш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган катта эътибор давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган бир қатор фармон, қарор ва фармойишларда ўз аксини топмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабда туман ҳоқими соврини учун ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақалари ҳам айнан қайд қилинган мақсад ва мақсадони ўзида жамлагани билан эътиборга сазовордир. Тумандаги барча мактабларда «миллионлар ўйини»ни жондилан севган ёшлар иштирокида ўтган беллашувда 28 та жамоа галаба учун курашиб, ўсмирлар бор иқтидор ва имкониятларини намоиш этдилар. Финалга етиб келган иккита жамоа эса гўлиб бўлишга ҳақли эканликларини кўрсатиб, муҳлисларга чиройли ўйинлари билан ҳаяжонли ва қувончли дамларни ҳада этишди.

— Мактабимиз ўқувчиларининг спорт билан шуғулланиб, соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди 192-мактаб директори ўринбосари Манзура Зокирова. — Бунинг учун катта футбол майдони, волейбол, баскетбол ва шахмат-шашка каби бир қатор тўғаракларнинг мунтазам фаолият юритиши йўлга қўйилган.

Мусобақада иштирок этган Ўзбекистон футбол федерацияси аъзолари А. Имомхўжаев, Р. Юнусов, В. Солохо ва бошқалар мустақиллик боис юртимизда болалар спортини, жумладан футболни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик ҳақида тўққизинчи гапирдилар. Шу билан бирга, ўқувчи-ёшларнинг бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда жамиятимизга керакли инсонлар бўлиб вояга етишларига тилак билдирдилар.

Тошбабинлар меҳрини қозongan гўлиб жамоага Кубок топширилди. Бундан ташқари, бир қатор номинациялар бўйича ҳам диплом ва қимматбаҳо совғалар тўхфа этилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ва халқ таълими бўлими каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган футбол байрами барчада катта таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, бундан бир неча миллион йиллар аввал ҳам асаларилар бўлган. Одамлар асалнинг нихоятда хушбўйлиги, ширинлиги, тўйимлилиги ва бошқа хусусиятларини жуда қадим замонлардаёқ билишган. Улар ёввойи арларнинг дарахтлар ковагидаги инларидан асал олиб, истеъмол қилганлар ва мумидан фойдаланганлар.

Табиат неъматлари

БОЛАРИНИНГ БОЛЛАРИ

Бундан олти минг йил муқаддам ибтидоий асаларичилик бошланганлиги, турли шаклдаги сопол уяларда ана шу мўъжизакор ҳашаротлар боқилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин асалариларни махсус кутиларда боқиш асосан XIX асрда бошланган. Инсоннинг бу қанотли митти дўстлари ҳақида дунё халқлари яратган афсона ва эртакларнинг ҳисоби йўқ.

Кўп йиллардан буён ҳаваскорлик даражасида асаларичилик билан шуғулланганим учун, бу соҳа кўнглимга яқин бўлиб қолган. Уларни мунтазам равишда кузатиб борар эканман, аридай меҳнатқаш, интизомли жонзотнинг режали иш фаолиятига ҳавасим келди. Илмий кузатишларимдан маълум бўлишича, она ари, ишчи ва эркак арининг шаклланиш муддати ҳар хил. Бўлажак арининг личинкаси, яъни тухумдан чиққан кўрти фақат асалари сўти билан озиклантирилгани учун, 16 кунда арига айланади. Ишчи ари кўртли эса 21 кунда вояга етиб, тухумдан чиқади. Эркак арининг шаклланиш муддати икки-уч кун давом этади. Ишчи арилар дунёга келгач, ёшига қараб вази фасини ўзгартириб боради.

Авал катакчаларни тозалайди, уч кунликдан бошлаб, уядаги катта личинкаларни асал ва гул чанги аралашмаси билан озиклантиради. Кейинроқ эса сут безлари ривожланиб, сут ажратиб чиқаради ва у билан бўлажак она ари личинкаларини боқди. 12-15 кунликдан мум ажратиб чиқаради ва мумкатаклар ясади. Бу даврда уя олдида қоровуликча туради, шира қабул қилиб, асалга айлантиради.

Ишчи ариларнинг умри узоқ эмас, 35 кун атрофида яшайди. Лекин шу қисқа вақт мобайнида уларнинг чекадиган захмати ҳам, келтирадиган фойдаси ҳам бешироқ катта. Она ари эса асалари сўти билан боқилгани учун беш-олти йилгача

яшаши мумкин. Демак, асалари сўти оддий сут, шунчаки озуқа эмас.

Кўп эмас, бир килограмм асал қанчалар машаққат билан тайёрланишини биласизми? Илмий хулосаларга қараганда, бунинг учун асалари ўртача 10 миллион гуддан шира йиғиб чиқиши керак экан. Ана шу давр мобайнида у ер курраси атрофини ўн марта айланишига тенг йўлни босиб ўтаркан. Бу шира йиғиш машаққатигина, холос.

Илмий тадқиқотларга қараганда, бир томчи нектарни ишчи ари 120-140 марта ошқозонига ютиб чиқариб, организмидоги ферментлар, органик кислоталар ва бошқа фойдали моддалар билан бойтади. Сўнг бошқа ишчи арилар нозик қанотларини пирпиратганча гулшира таркибидаги сувни буғлантириб, болга айлантиради.

Асал таркибида 76 фоиз глюкоза ва фруктоза, шунингдек фойдали элементлар мавжуд. Қадимдан ичак-меъда касалликларини даволашда ундан фойдаланиб келинади. Асалари муми тиббиётда, авиацияда, электротехникада, умуман, санатнинг 40 дан ортиқ тармоғида ишлатилади.

Асаларичилик ер куррасининг барча қишлоқларида тарқалган. БМТ маълумотларига кўра, жаҳон мамлакатларида асал олиш, экинларни чанглатиш, бошқа ҳўжалиқларга тарқатиш учун энг яхши асалари зотларининг она арисини етиштириш, асалари оилаларини кўпайтириш билан шуғулланиб келинмоқда. Мамлакатимизда турли тузилмалар таркибида иختисослаштирилган асаларичилик ҳўжалиқлари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 154 минг асалари уя(оила)си бор.

Ботиржон НОРМУРАТОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти шарқ филологияси факультети талабаси



Спорт

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Барча шарқ яккакураш спорт турларини ўзида мужассам этган муайтайнинг юртимизга кириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу даврда мамлакатимиз ёшлари орасида муайтай тобора оммалашиб бормоқда. Бунинг яқинда Эронда уюштирилган Осие чемпионати яққол исботлаб турибди.

Шуниси эътиборлики, Осие қитъаси мамлакатларининг маҳоратли спортчилари билан бирга Канада, Австралия, Швеция, Янги Зеландия, Голландия, Филиппин сингари 21 давлат вакиллари қатнашган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар муайтайчининг тўрт нафари совриндор бўлди. 54 килограмм вазнда ҳамюртимиз Шухратбек Ботиров рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, ажайиб галабаларни қўлга киритди. Фақат финал баҳсида эронлик Али Заринфарга имкониятни бериб қўйган Шухратбекка кумуш медалга насиб этди. 60 килограмм вазнда омадини синоп кўрган Абдулло Худойбердиев ҳам финалгача барча рақибларини енгди. Фақат шохсупанинг энг юқори поғонаси учун кенган беллашувда таиландлик Саксит Сринхунга ютқазиб қўйди. 68, 86 килограмм вазнлар тоифасида қатнашган ҳамюртларимиз Жавлонбек Назаров ва Азизбек На-

зилов юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

Истиклол шарофати туфайли бошқа спорт турлари қатори муайтайга ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги сабаб мамлакатимиз спортчилари халқаро турнирларда ажайиб галабаларни қўлга киритмоқдалар. Албатта, бу уюштурувчи муайтайчилик ассоциациясининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Ёшларни спортга, хусусан, муайтайга кўпроқ жалб этиш, улар ўртасида тез-тез турнирлар уюштириб туриш, келажакимиз ворисларининг соғлом турмуш тарзига амал қилишларини таъминлашдек масъуляти вазифани ассоциациямиз бундан кейин ҳам бажаришда давом этади.

Валижон УМУРЗОКОВ,
Ўзбекистон Хаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси Бош қотиби ўринбосари
СУРАТДА: Эронда ўтказилган Осие чемпионатидан лавҳа



Бош муҳаррир

Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3958 ўсмада босилди.
Кегез бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.